

Исломободлик ўт ўчирувчи ҳам ёнғин, ҳам саводсизликка қарши курашмоқда



14:40 / 15.10.2018 2814

Исломободлик 58 яшар ўт ўчирувчи Айюп нафақат ёнғин, балки саводсизликка ҳам қарши курашмоқда. У ҳар куни 30 йил давомида уйи олдидаги боғда камбағал болаларга инглиз тили ва математикадан сабоқ бериб келади. Islamisemya.com хабарига кўра, унинг машғулотларига ҳар куни 200 нафардан ортиқ тингловчилар келади.

Эрталабдан Айюп ишига боради, соат 16.00 дан кейин эса велосипедига ўтириб, парламент биносидан унчалик узоқда бўлмаган боққа келади. У ўқувчиларига ўз ҳисобидан сотиб олган ручка ва дафтарларни тарқатади. Маҳаллий болакайлар уни устоз Айюп деб чақиривади.

Унинг айтишича, бир куни ялангоёқ болакай унинг машинаси ойнасини ювмоқчи бўлади, у эса нега болакай мактабга бормаётганини сўрайди.

“Бола ўзи камбағал оиладан эканлиги, мактаб анжомларини сотиб олишга уларнинг қурби етмаслигини айтди. Бунинг устига у ўз яқинларини боқиш учун ишлашга ҳам мажбур. Шундан кейин бундай болаларга дарс бериш фикри пайдо бўлди ва бепул мактаб очилгани тўғрисида эълон бердим. Аввалига 50 нафар тингловчим бор эди, кейин уларнинг сони кўпайди”, – деб эслайди Айюп.

Айюпнинг ўзи уч нафар фарзанднинг отаси, унинг бош мақсади – болаларга тўғри йўлни кўрсатиш, улар ўғри, жиноятчи ёки гиёҳванд воситаларнинг сотувчиси бўлиб қолишларининг олдини олиш. У ўз тингловчиларини шифокор ёки муҳандислар орасида кўришни истайди. Шунингдек бу мусулмон одам ҳақиқий мактаб қуриш, у ерда ҳар қандай об-ҳаво шароитларида дарс олиб боришни орзу қилади.

Islom.uz портали таҳририяти